O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI
SARIOSIYO TUMAN
HOKIMINING
QARORI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
СУРХАНДАРЬИНСКАЯ ОБЛАСТЬ
РЕШЕНИЕ
ХОКИМА САРИАСИЙСКОГО
РАЙОНА

191001, Sariosiyo shaharchasi, M.Ulug`bek mahallasi Tel/fax: 0 (376) 487-64-64

02 Март 2019 йил № 1239 Сариосиё тумани

Туман худудидаги барча юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган автомототранспорт воситаларини 2019 йилда мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида"ги низом ижросини таъминлаш ҳамда 2019 йилда туман худудидаги юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган автомототранспорт воситалари ва уларга тиркамаларни мажбурий техник кўрикдан ўтказишни уюшқоқлик билан, сифатли ташкил этилишини таъминлаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН

1. Тумандаги барча юридик ва жисмоний шахсларга, шу жумладан хорижий юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган ва белгиланган тартибда давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида рўйхатдан ўтказилган транспорт воситалари мажбурий техник кўрикдан ўтказилиши таъминлансин.

2. Тумандаги автобуслар, микроавтобуслар, автомобиллар, мотоциклар ва тиркамаларни (кейинги ўринда Транспорт воситалари деб юритилади) давлат техник кўригидан ўтказиш туман ички ишлар бўлимларининг йўл ҳаракати хавфсизлиги гуруҳи (Қ.Нуралиев) зиммасига юклатилсин.

3. Техник кўрикдан ўтказишда диагностика станциялари, хусусий техник хизмат кўрсатиш станцияларининг созлиги ҳамда харкатланувчи таъмирлаш ва тузатиш устаҳоналарининг белгиланган тартибда жихозланганлигига алохида эътибор қаратилсин.

4. 2019 йил давомида техник кўрикни уюшқоқлик билан, сифатли ўтказиш мақсадида, туман комиссияси тузилсин. Комиссия аъзоларининг таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. 2019 йил давомида тумандаги юридик шахсларнинг транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Туман ИИБ ЙҲХГ (К.Нуралиев) га:

юридик шахсларнинг транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш жадвалини тумандаги барча корхона, муассаса ва ташкилотларга етказиш хамда ўз вактида бажарилиши таъминлаш;

хусусий техник хизмат кўрсатиш станциялари (ТХС) ва тадбиркорлик субъектлари (Субъектлар) томонидан транспорт воситаларининг техник холати ва ускуналарининг мувофиклигини баҳолаш белгиланган талаблар ва катъий белгиланган нархлар асосида амалга оширилишини катъий назоратга олиш юклатилсин.

7. Тумандаги хар бир ташкилот, корхона ва муассаса раҳбарлари хамда шахсий автомашина эгаларига автотранспорт воситаларининг доимий равишда техник жихатдан созлигини таъминлаш ва ўз вактида техник кўрикдан ўтказиш тавсия этилсин.

8. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман хокимининг (биринчи) ўринбосари Э.Хасанов зиммасига юклатилсин.

9. Мазкур карор расман эълон қилинган кундан кучга киради.

Devonxona

Туман хокими А.Жўраев